

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПАЛИМБЕТОВА МАЛИКА ЖАНАБАЕВНА

**МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДРАМАТУРГИЯСИ
(ғоя-тематика, жанрлар, образлар)**

10.00.12 – «Қорақалпоқ адабиёти»

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
philological sciences**

Палимбетова Малика Жанабаевна

Мустақиллик даври қорақалпоқ драматургияси (ғоя-тематика, жанрлар,
образлар) 3

Палимбетова Малика Жанабаевна

Қарақалпақская драматургия периода Независимости (идея-тематика,
жанры, образы)..... 23

Palimbetova Malika Janabaevna

Karakalpak drama in the years of Independence (idea-theme, genre,
imagery)..... 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 47

**ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ПАЛИМБЕТОВА МАЛИКА ЖАНАБАЕВНА

**МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ҚОРАҚАЛПОҚ ДРАМАТУРГИЯСИ
(ғоя-тематика, жанрлар, образлар)**

10.00.12 – «Қорақалпоқ адабиёти»

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Олий аттестация комиссиясида В2018.3.PhD/Fil641 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Қорақалпоқ давлат университетиди бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш вебсаҳифасида (www.karsu.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Жаримбетов Қурбанбай Қудайназарович
филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бекбергенова Зияда Утеповна
филология фанлари доктори, доцент

Казахбаев Сарсен Сеилбекович
филология фанлари доктори, доцент

Ётақчи ташкилот:

Алишер Навоий номидаги Тошкент
давлат ўзбек тили ва адабиёти
университети

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ давлат университети ҳузурдаги DSc.03/30.04.2021.Fil.20.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «7» июль куни соат 14 дақиқасида бўлиб ўтди. (Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдилов кўчаси, 1-уй.Тел.: (99861) 223-59-25, факс: (99861) 223-59-25; e-mail: karsu_info@cdu.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (28 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 230112, Нукус шаҳри, Ч.Абдилов кўчаси, 1.Тел: (99861)223-59-25.

Диссертация автореферати 2021 йил «13» июль куни тарқатилди.
(2021 йил «13» июль дақиқаси 10 рақамли реестр баённомаси).



М.С. Қудайбергенов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Д.Н. Сагидуллаева
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, филол.ф.н.,
доцент

Ж.Х. Хошниязов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси в.б., филол.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида драматургиянинг ўзига хос хусусиятлари, ривожланиш йўллари, тадрижи, композицияси ва бадиий-эстетик тамойилларини тадқиқ қилишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Чунки, бадиий адабиёт, айниқса, маданиятимизнинг ажралмас қисми ҳисобланган театр ва драматургия бугунги глобаллашув жараёнида бошқа адабий турлардан инсониятнинг интеллектуал салоҳиятини оширишда, жамиятнинг маънавий дунёсига тасир этишда, бугунги кундаги янгиликларни тез ва қисқа вақтда етказиб беришда катта аҳамиятга эга.

Дунё адабиётшунослигида миллий адабиётни янги илмий-назарий жиҳатдан ўрганишда далилланган илмий тажрибалар асосида реал воқеликни поэтик композицияга айлантириш, сюжет, композиция хусусиятлари, образлиқ, гоёвий хилма-хиллик, жанр хусусияти, кино ва театр, трансформация каби муаммоларни тадқиқ қилиш ва ҳулосалар чиқаришда интилишларнинг юзага келиши мавзунинг долзарблигини кўрсатади. Бу, ўз навбатида, миллий драматургиянинг ўзига хос назарий асослари, гоёвий-мавзувий, жанр хусусиятларини дунё адабиётшунослиги миқёсида илмий тажрибалар асосида тадқиқ қилиш зарурлигини келтириб чиқаради.

Истиқлол йилларида давлатимизда барча соҳалардаги каби, адабиётшунослиқ ва бадиий санъат соҳасида ҳам гоёвий-тематик жиҳатдан тарихий воқеаларни кўрсатиш, дунё драматургияси асосида жанрий хусусиятларни олиб кириш, улар ёрдамида келажак авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялашда бадиий санъатнинг ҳиссаси ўзгача. «...Адабиёт ва бадиий-санъатга, маданиятга эътибор бу, энг аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор...»¹. Бугунги кунда мамлакатимизда истиқлол даври драматургияси масалаларини, яъни шу давр мобайнида яратилган, сахналаштирилган драмаларнинг гоёвий-тематик йўналишлари, жанр хусусиятлари, драматургларнинг фолклор намуналаридан унумли фойдаланишлари, уларнинг бадиий маҳоратини ўрганиш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида», 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон «Олий ўқув юртларидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида», 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида», 2020 йил 6 ноябрдаги ПФ-6108-сон «Ўзбекистон янги тараккиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш

¹ Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир // Халқ сўзи. – Т., 2017. 4 август, 153 (6847); Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида // Халқ сўзи. – Т., 2017, 1-июн.

чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 26 майдаги ПФ-6000-сон «Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3652-сон «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 7 июндаги ПҚ-4354-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига ахборот-кутубхона хизмати кўрсатишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида драма жанри бўйича Аристотелнинг «Поэтика», Н.Буалонинг «Сўз санъати» асарини алоҳида таъкидлаш лозим. Рус адабий-эстетик қарашлар оламида В.Белинскийнинг адабий танқидий мақолаларида, Л.И.Тимофеев, В.Е.Хализев, Б.М.Томашевский, Н.А.Гуляев, М.И.Громова, Н.Л.Виноградская, А.Н.Зоринларнинг² илмий-тадқиқот ишларида драманинг айрим илмий ва назарий масалаларига оид фикрлари эътиборга моликдир.

Туркий халқлар адабиётшунослигида драматургиянинг гоъвий-мавзувий хилма-хиллиги, жанр хусусиятлари, образлар тизими, услубий хусусиятлари, бадий тил масалалари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган³.

² Тимофеев Л.И.Н. Основы теории литературы. – М.: Просвещение, 1975; Хализев В.Е. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 1999; Ўша муаллиф: Драма как явление искусства. – М.: Искусство, 1978; Гуляев Н.А. Теория литературы. – М.: Высшая школа, 1985; Томашевский Б.В. Теория литературы. Поэтика. – М.: Аспект пресс, 1992; Громова М. Русская драматургия XX века. – М.: Наука, 2006; Виноградская Н.Л. Структура диалога в драматургии Н.В.Гоголя (Комедия «Женитьба»): Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – М., 2006. – 30 с.; Зорин А.Н. Поэтика ремарки в русской драматургии XVIII-XIX веков: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Саратов, 2010. – 38 с.; Верашагина О.Н. Язык и стиль драматургии М.Ю. Лермонтова: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ярославль, 2013. – 24 с.

³ Имомов Б. Ҳаёт ва драматик конфликт. – Т., Фан, 1968; Ўша муаллиф: Драматик маҳорат сирлари. – Т.: Фан, 1991; Абдусаматов Ҳ. Драма назарияси. – Т.: Гафур Гулом номидаги матбаа ва санъат нашриёти, 2000; Солиев А. Ўзбек драматургиясида инсон талқини: Филол. фан. д-ри. ... дис. автореф. – Т., 1994. – 37 б.; Расулмухамедова Д.Т. Истиклол даври ўзбек драматургиясида Амир Темур образини яратиш муаммолари: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Т., 2008. – 21 б.; Абдурахимов Т. Ўзбек драматургиясининг шаклланиши ва таракқиётида фольклорнинг ўрни: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Т., 1995; Тожибоева О.Қ. Марказий Осиё театрлари тарихида халқ эпосининг ўрни: Санъат. фан. д-ри. ... дис. автореф. – Т., 2011. – 28 б.; Турсунова Н. Ҳозирги ўзбек драматургиясида фольклор стилизацияси: Филол. фан. ном. ... дис. автореф. – Т., 2020. – 62 с.; Фазилова М. Усмон Азим драматургиясида аёл образи талқинлари // Шарк юлдузи. – Т., 2014. - №3. – Б. 177-180; Ўша муаллиф: Усмон Азим ижодида “Алпомиш” дostonи мотивлари // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2015. - №6. – Б. 64-68; Ўша муаллиф: Драматургияда замондош қаҳрамон образи // Шарк юлдузи. – Т., 2015. - №2. – Б. 165-167; Темирова М. Ижодий изланишлар йўлида // Жаҳон адабиёти. – Т., 2012. - №1. – Б.127; Ордалиев С. Қазак драматургиясының очерки. – Алматы, 1964; Нургалиев Р. Қазак драматургиясының поэтикасы. – Алматы, 1979; Қалчаева А. Эпостук мотивдердин қырғыз драматургиясында идеялык-көркем иштелиши мәселелери: Филол. илим. канд. ... дис. автореф. – Бишкек, 1993.

Қорақалпоқ адабиётшунослигида Қ.Айымбетов, Т.Алланазаров, Т.Баяндиєв, Б.Турсинов, А.Сейтбековларнинг илмий тадқиқотларида, Қ.Султонов, А.Насруллаєв, Ж.Бўлєшова, Қ.Жаримбетов, А.Жаримбетов, Ф.Утемуратов, Р.Матмуратова, М.Мамбетова⁴ каби олимларнинг мақолаларида конфликт ва композиция, образлар тизими, драматургияда хотин-қизлар образининг яратилиши, бадиий тил масалалари бўйича илмий-назарий фикрлар баён этилган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг илмий тадқиқот режаларига мувофиқ «Ҳозирги қорақалпоқ адабиётининг долзарб масалалари» мавзусидаги илмий-тадқиқот режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мустақиллик даври қорақалпоқ драматургиясининг гоёвий-мавзувий йўналишларини, жанр хусусиятини аниқлаш, образлар тизими ва бадиийлиги масалаларини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мустақиллик даври қорақалпоқ драматургиясининг жанр хусусиятлари ва гоёвий жиҳатларини ўрганишда нашрдан чиққан, сахнада намойиш этилган ва сахналаштирилмаган драмаларни муаллиф ва режиссер вариантлари билан таққослаш асосида тадқиқ қилиш;

нашрдан чиққан, сахналаштирилган драматик асарларнинг адабиётшуносликда тадқиқ қилиниши даражасини белгилаш;

бу давр драматик асарларининг гоёси, мавзуси, образларининг олдинги давр драмаларидан фарқли жиҳатларини ва тарихий шахслар образларининг яратилиш хусусиятини ўрганиш;

қорақалпоқ драматургиясининг бадиийлик масалаларини, образ яратиш усулларини дунё адабиётшунослиги миқёсида тадқиқ қилиб очиб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 1991 йилдан бугунги кунгача яратилган қорақалпоқ драматик асарлари – Т.Қайипбергеновнинг «Айдос бобо», «Сахро булбули (Бердақнинг ҳасрати)», Т.Алланазаровнинг «Айдос

⁴Айымбетов Қ. Қарақалпақ совет драматургиясы тарийхының очерклери. – Нөкис: Қарақалпақстан. 1963; Алланазаров Т. Қарақалпақский советский театр. – Т.: Фан, 1966; Ўша муаллиф: Театр хэм драматургия. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1982; Баяндиєв Т. Қарақалпақский театр им. К.С.Станиславского очерки истории. – Т.: Фан, 1971; Султанов Қ. Драматургияда персонаж тили // Өмиўдәрья. – Нөкис, 1961, - №3. – Б. 116; Насруллаєв Ө. Ҳэзирги драматургиямыз хэм дэўир талабы // Өмиўдәрья. – Нөкис, 1978. - №7. – Б.116; Болєшова Ж. Қарақалпақ драматургиясында дэстур хэм жаңашыллықтың гейпара мэселелери // Өмиўдәрья. – Нөкис, 1976. - №4. – Б. 117; Жэримбетов Қ. Дэстан, тарийх хэм драма // Қарақалпақ эдебияты. – Нөкис, 2017. - №7. – Б.4; Жэримбетов А.О., Өбдирахмановтың «Өжет» комедиясында характер жаратыў шеберлиги // Өмиўдәрья. – Нөкис, 2006. - №5-6. – Б. 150; Ўша муаллиф: «Ақмақлық дуньясында» комедиясында конфликт хэм оның жасальў өзгешелиги // Өмиўдәрья. – Нөкис, 2008. - №1. – Б.123; Утемуратов Ф. «Ерназар Алакөз» трагедиясындагы психологиялық коллизиялар хэм интрига // Өмиўдәрья. – Нөкис, 2009. - №1. – Б. 127; Ўша муаллиф: Дэўир хэм драматург // Өмиўдәрья. – Нөкис, 2013. - №3. – Б.116; Сейтбеков Ө. К.Рахманов ижодида эпик ва драматик асарлар синтези: Филол. фан. фалс. док... (PhD) дис. – Нукус, 2020. – 52 б.; Матмуратова Р. Қарақалпақ драматургиясында фарс жанры // ӨзРИАҚҚБ Хабаршысы. – Нөкис, 2013. - №4. – Б. 72; Ўша муаллиф: Комедия жанрының кэлиплесиў дереклери // ӨзРИАҚҚБ хабаршысы. – Нөкис, 2014. - №2. – Б. 101; Мэмбетова М. Қарақалпақ драматургиясына тийисли илимий изертлеўлерге сыпатлама. // Қарақалпақ эдебиятаныў мэселелери. – Нөкис: Билим, 2019. –Б.65

баба», А.Уталиевнинг «Ерназар Алақўз» трагедиялари, К.Рахмановнинг «Едиге» мусикали драмаси, К.Алламбергеновнинг «Амир Темур ва Эр Едиге (Улуг юриш)», «Қирк киз (Умид чўлпони)» тарихий мусикали драмалари, Қ.Матмуратовнинг «Умирбек ва Тозча» комедияси, «Бердак» мусикали драмаси, М.Низановнинг «Бердак», «Зийуар» драмалари, шунингдек сахналаштирилган ва сахнада намоёиш этилмаган драмаларнинг муаллиф кўлёмалари олинган.

Тадқиқотнинг предметни мустақиллик даври қорақалпоқ драмаларининг гоёвий йўналишини, жанр жиҳатдан тасниф қилиш, тарихий шахслар образларининг драматургияда тасвирланиш хусусиятини аниқлаш, оғзаки адабиёт наъмуналари асосида вужудга келган драматик асарларнинг таҳлилини қиёсий ўрганиш, драматик асарларда бадиий тил масалаларини, образ яратиш усулларини ўрганиш тапқил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, бадиий-эстетик таҳлил, структура, тажриба, мониторинг, контент таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

1991-2020 йиллардаги нашрдан чиққан драматик асарларнинг гоёвий-тематикаси (миллий ва умуминсонийлик гоёлари, мустақиллик гоёлари), жанр хусусиятлари, тарихий шахсларнинг образлари, янги давр қахрамонларининг характери ва психологиясини ёритишдаги муаллифларнинг бадиий-эстетик ва услубий жиҳатдан янгича ёндашувлари очиб берилган;

театрда қўйилган, лекин, нашр этилмаган драматик асарларнинг ҳозирги давр муаммоларини кўрсатувчи, юбилейларга мўлжалланган, муайян тарихий саналарга алоқадор гоёвий-тематик йўналишлари очиб берилган; фолклор-этнографик мотивлар, тарихий, хроникал сюжетлар сингари бадиий-эстетик хусусиятлари ва фолклор қахрамонлари, тарихий шахс ҳамда типик образлар орқали исботлаб берилган;

мустақиллик даврида яратилган тарихий драматик асарларда тарихий воқеликнинг бадиий ҳақиқатга айланиши, сюжетда тарихий воқеаларни ёритишда тарихий ва бадиий тўқима сюжетларига фалсафий тус берилиши каби янги ёндашувлар, композиция, драмада тарихий шахслар сиймосининг тарихий манбаларга асосланган умумлашма типич яратилганлиги аниқланган;

қорақалпоқ драматургиясидаги бадиий тил воситалари монолог, диалог, реплика, ремарка ва мимик-пантомимик ҳаракатлар, имо-ишоралар, нутқ услублари, туш мотиви каби образ яратиш усулларининг қахрамон характерини (маънавий ҳолатини, портретини, индивидуал психологиясини) очиб беришдаги бадиийлик, услубий-функционал хусусиятлар далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мустақиллик даври қорақалпоқ драматургиясининг гоёвий-тематик хусусиятлари, тарихий воқелик ва шахсларнинг айнан шу даврда тасвирланиш сабаблари аниқланган;

бу даврдаги нашрдан чиққан ва сахнада ижро этилган, чоп этилмаган, лекин сахнада намоиш этилган драмаларнинг гоаявий ва бадий ютуқ ва камчиликлари аниқланиб, жанр хусусияти асосида баъзи назарий хулосалар келтирилган;

тарихий шахслар образларининг (Айдос бобо, Ерназар бий, Едиге, Амир Темир, Бердақ, Зийуар ва х.к.) драматургияда яратилиш хусусияти очиб берилган;

қорақалпоқ драматургиясининг бадийлиги масалалари, образ яратиш усуллари дунё адабиётшунослигида тадқиқ этилган янгича илмий-назарий қарашлар асосида акс этирилган;

тадқиқот материаллари асосида қорақалпоқ драматургияси ҳақидаги мулоҳазалар янги илмий маълумотлар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар ва назарий маълумотларнинг илмий ва бадий манбалардан олингани, илмий хулосалар қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, бадий-эстетик таҳлил, тажриба, мониторинг, контент таҳлил усулларига асосланилганлиги, назарий мушоҳада ва тақлифларнинг амалиётда кенг қўлланилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти мустақиллик даври қорақалпоқ драматургияси ҳақида илмий-назарий қарашларни тўлдиришда, бу давр асарларининг гоаявийлиги, мавзулар хилма-хиллигини аниқлашда, тарихий шахслар образларининг қорақалпоқ драматургиясида яратилиши, истиқлол даври драма ва театр масалаларини ўрганишда назарий манба бўлиб хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ўрта махсус ва олий ўқув юрғларида маълумотларнинг сифатида фойдаланиш, ихтисослик курслари ва семинарлар ташкил этишда, «Мустақиллик даври қорақалпоқ адабиёти», «Ҳозирги қорақалпоқ адабиёти ва адабий жараён», «Драма назарияси» фанлари бўйича дарсликлар ва ўқув қўлланмалар яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мустақиллик даври қорақалпоқ драматургиясининг гоаявий йўналишини, жанри хусусиятларини, образлар тизимини ўрганиш борасида олинган илмий натижалар асосида:

бу даврда яратилган драматик асарларнинг гоаявий-тематикаси, жанр хусусиятлари, қаҳрамон характери яратишдаги бадий изланишларга боғлиқ илмий хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтида бажарилаётган ФА-Ф-1-005 «Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими Қорақалпоқ гуманитар фанлар илмий-тадқиқот институтининг 2021 йил 12 январь 17.01/03-сон маълумотномаси). Натижада истиқлол даври

қорақалпоқ драматургияси масалалари бўйича гоъвий-маъзувий қирралар, жанр хусусиятлари янада ойдинлаштирилган;

қорақалпоқ ёзувчи-драматурглари, жумладан, Т.Қайипбергенов, Т.Алланазаров, А.Уталиев, К.Алламбергенов, М.Низановларнинг адабий меросининг миллий ўзликни англашдаги ахамияти ва улар яратган образларнинг ёш авлод маънавий оламини бойитишга доир илмий хулосалардан «Қорақалпоғистон» телерадиокомпаниясининг «Адабиёт ва давр», «Сўнмас юлдузлар», «Адабий портрет», «Тарихий шахслар», «Ёшлар учун», «Мерос» номли телекўрсатувлари ва радиоэшиттиришларини тайёрлашда тадқиқотчининг назарий хулосаларидан фойдаланилган (Қорақалпоғистон телерадиокомпаниясининг 2021 йил 31 мартдаги 01-02/1079-сон маълумотномаси). Натижада телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар илмий жиҳатдан бойитилиб, унутилиб бораётган миллий урф-одатлар, қадриятлар кенг оммага ҳавола этилган;

буюк адибларимизнинг ҳаёти ҳақида ёзилган драма асарларидан, жумладан, Т.Қайипбергеновнинг «Сахро булбули», Қ.Матмуратовнинг «Бердақ», М.Низановнинг «Бердақ», «Зийуар», «Азий» каби тарихий драматик асарларига доир илмий хулосалардан Қорақалпоқ давлат университети қошидаги Бердақ миллий музейида ўтказилган классик шоирларимиз Бердақ Қаргабой ўғли, Ажиниёз Қўсибой ўғли, улуг шоир И.Юсуповларнинг ҳаёти ва ижодига доир илмий-амалий анжуманларда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Маданият вазирлигининг 2021 йил 31 мартдаги 2-03/666-сон маълумотномаси). Натижада тадқиқот тавсиялари истиқлол давридаги қорақалпоқ драматургиясида халқимиз миллий қадриятларининг акс этиши, яратилган сахна асарларининг бадиийлиги, маъзулар ранг-баранглиги, гоъвий йўналишини аниқлаб берган;

улуг шоирларимиз Бердақ Қаргабой ўғлининг (2018 йил ноябр ойида), И.Юсуповларнинг (2019 йил май ойида) ҳаётини кенг ёритиб берган бадиий-драматик асарларга оид илмий хулосалардан театрда ўтказилган адибларнинг ҳаёти ва ижодига доир анъанавий, оммавий тадбирларнинг сценарийларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат академик мусикали театри, 2021 йил 6 апрелдаги 104-сон маълумотномаси). Натижада қорақалпоқ театри ва драматургиясининг ўзаро боғлиқлиги мониторинг методи ёрдамида олиб борилган тадқиқотлардан келиб чиққан илмий-назарий хулосалар билан бойитилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий анжуманда, жумладан 4 та халқаро, 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация маъзуси бўйича жами 20 та илмий иш нашр этилган, улардан Скопус базасидаги халқаро илмий журналда 1 та мақола, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг PhD диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, шундан 5 та мақола республика, 3 та мақола хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, ҳажми 146 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг «**Кириш**» қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқот усуллари белгиланган, Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган. Олинган хулосаларнинг ишончлилиги асосланиб, ишнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий этилиши, нашр этилган ишлар, диссертация тузилиши борасидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Мустақиллик давридаги драматургия: ривожланиш йўналишлари**» деб номланган. Ушбу бобнинг «Мустақиллик даври қорақалпоқ драматургиясининг ўрганилиш тарихи» мавзусидаги биринчи фаслида тадқиқотнинг тарихи, асосий йўналишлари, бугунги кундаги ўрганилиши бўйича хулосалар ишланди. Мустақиллик даври қорақалпоқ драматургиясида самарали ижод қилган драматурглар, танқидчилар, адабиётшунослар, ёзувчи-шоирларнинг асарлари чуқур таҳлил қилинди. Уларнинг ҳар бири ҳажмдорлиги, ҳар томонлама чуқур таҳлил қилиниши, маълумотларнинг серкирралиги, мавзулар хилма-хиллиги, миллий қадриятларнинг акс эттирилиши, мазмундорлиги билан ажралиб туради. Жумладан: С.Аллаяровнинг «Кўклан ботир» драмасининг яратилиши», Қ.Камаловнинг «Шоҳсанам – Ғарибга бериб зехни», Қ.Жаримбетовнинг «Достон, тарих ва драма», О.Сатбаевнинг «Қалб сояси», «Беш кунлик дунёга ишониш қийин» тақризларини, Ж.Есеновнинг «Очкўз ноинсофларни қоралаган комедия», К.Қурамбаевнинг «Замонавий комедия» ва бошқа мақолаларни таъкидлаш лозим. Ф.Утемуратов, А.Сейтбеков, Р.Матмуратова каби ёш танқидчиларнинг драматургиянинг долзарб муаммоли масалаларига, баъзи назарий маълумотлар бўйича фикр-мулоҳазалари билдирилган бир катор мақолаларини, тақризларини келтириш мумкин. Шундай қилиб, биз ўрганаётган давр драматургияси ва театр санъати илмий жиҳатдан ҳали етарлича асосланмаганлиги, ўрганилмаганлиги, фақат мақолалар, тақризлар шаклида таҳлил қилинганининг гувоҳи бўламиз.

Биринчи бобнинг иккинчи фаслида чоп этилган драмаларнинг гоаявий йўналиши, жанр хусусиятлари ёритилди. Ўзбек олими Ҳ.Абдусаматов таъкидлаганидек «Истиклол даври драматургиясида тарихий мавзу ва ўтмиш, шунингдек, фолклор-этнография мотивларини тасвирлаш муҳим ўрин эгаллайди. Замонавий мавзуларда, ҳозирги давр муаммоларини акс эттирган драмалар, фолклор-этнографияда бўлган мавзуларни муаммо қилиб кўтариш,

йил атамаларига боғлиқ идеал қаҳрамонларни яратиш бош вазифага айланди»⁵.

Бу даврда қорақалпоқ драматургиясида ҳам тарихий қаҳрамонларни, катагон қурбонларини, тарихий қадриятларни улуғлаш, халқимизга танитишда Т.Алланазаровнинг «Айдос бобо», А.Уталиевнинг «Ерназар Олакўз» (1989 йили режиссер К.Абдиреймов сахналаштирди), Т.Қайипбергеновнинг «Айдос бобо (Мингта тиллага баҳоланган калла)», «Сахро булбули (Бердакнинг ҳасрати)» тарихий трагедияларини келтириш лозим.

Классик шоирларимиз Бердак Қаргабой ўғлининг, Ажиниёз Қўсибой ўғлининг, И.Юсуповнинг таваллуди муносабати билан драматург Қ.Матмуратовнинг «Бердак», М.Низановнинг «Зийуар», К.Каримовнинг «Аязий» драмаларини айтиб ўтиш жоиз.

Мустақиллик даври адабиётида катагон қурбонлари мавзусига бағишланган А.Султоновнинг «Нохадан тўқилган қон», П.Айтмуратовнинг «Адолат ва Гдлян зиндонлари», Г.Матякубованинг «Қаторда норинг бўлса» каби драматик асарлари яратилди. Шу жумладан, фолклор сюжетларига асосланиб яратилган пьесаларга Т.Алланазаров, А.Бегимовларнинг «Гариб ошик» мусикали драмаси, Қ.Матмуратовнинг «Шарьяр» драмаси, Н.Ансатбаевнинг «Адолатга хиёнат» мусикали драмаси, Н.Мухамметдиновнинг «Ойжамол» балети, «Ажиниёз» операси (либретто муаллифи И.Юсупов), Қ.Заретдиновнинг «Қирқ қиз», «Тўмарис» опералари (либретто муаллифи И.Юсупов), К.Раҳмановнинг «Едиге» мусикали драмаси, Н.Мухамметдинов, Г.Матякубоваларнинг «Гулойим» опералари яратилди ва сахналаштирилди. Халқ афсоналари асосида К.Раҳмановнинг «Избан», К.Каримовнинг «Аязбийнинг шариги» каби драма асарлари яратилган. Ҳозирги давр шахси образини яратишда сюжети ҳозирги фермерларнинг ҳаётидан олинган П.Айтмуратовнинг «Ишлаганга нур ёғар» пьесаси дунёга келди. Шу жумладан, бу давр драматургияси нафақат аҳолининг турмуш тарзи, ишлаб чиқариш мавзуларини тасвирлаш билан чекланиб қолмасдан, балки Ватанни ички ва ташқи душмандан ҳимоя қилишдаги мардлик, қорақалпоқ қизларининг юрт ҳимоясидаги қаҳрамонлиги, сабр-бардошлилик, ватанпарварлик туйғулари тасвирланган бадиий асарлари билан ҳам ажралиб туради. Жумладан, К.Алламбергеновнинг «Амир Темир ва Эр Едиге (Улуг юриш)», «Қирқ қиз (Умид чўлпони)» мусикали драмаларида ватанга бўлган муҳаббат, уни ташқи ва ички душманлардан ҳимоя қилишдаги қаҳрамонлик, қорақалпоқ қизларининг мардонавор кураши, сабр-тоқати, ватанпарварлик гоялари мужассамлашган.

Мустақиллик даврида қорақалпоқ миллий театрида комедия, мусикали драма, тарихий трагедия жанридаги бадиий асарлар сахналаштирилган бўлса ҳам, уларнинг барчаси нашр этилмаган. Мавзу бўйича фолклор намуналари асосида, шоирларимизнинг таваллуд саналарига, муҳим йил атамаларига мўлжалланган спектакллар сахналаштирилди. Бу тарихий воқеаларга

⁵ Абдусаматов Ҳ. Истиқлол даври ўзбек драматургияси // Мустақиллик даври адабиёти. Адабий-танқидий маколалар, бадиалар. – Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2006. – Б. 107.

асосланган тарихий шахсларни кўрсатувчи спектакллар чоп этилган бўлса ҳам, уларнинг аксарияти театрда деярли йўқ.

Дарҳақиқат, истиқлол йилларида юзага келган драматик бадиий асарларнинг барчаси ҳам бадиий жиҳатдан юқори савияда бўлмаган. Баъзи бир мазмунан саёз ёзилган бадиий асарлар ҳам мавжуд эди. А.Болтамуратовнинг «Амударё» журналида эълон қилинган «Дастлабки орзу» мусикали пьесасини айтиб ўтиш жоиздир. Бу драмада кульминация заиф шаклда, конфликт деярли сезилмайди. Диалоглар жонсиз, воқеалар ишончли тарзда ҳикоя қилинмаган. Муаллиф драма яратилган даврдаги кескин экологик вазиятнинг давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигидан фойдаланиб, давр мавзусига кўл урмоқчи бўлади.

Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси К.Алламбергеновнинг «Қирқ қиз (Умид чўлпони)» номли 3 бўлим, 7 пардали тарихий-мусикали драмаси чоп этилди. Драма ҳали сахналаштирилмаган. Драманинг бош мавзуси XVIII асрда Орол бўйидан бошлаб Туркистонгача бўлган худудда яшаган қорақалпоқларнинг турмуш тарзи, Саркоп бийи Аллаяр бий, қизи Ғулойим, Эрон шоҳи Нодиршоҳ, калмоқ хони Суртайша ўртасидаги тарихий, сиёсий зиддиятларни тасвирлашдан иборат. Мазкур драма тил жиҳатидан жуда содда, тушунарли тарзда ёзилган. Драмада қаҳрамонларнинг исмлари ва тахаллуслари уларнинг хатти-ҳаракатларига мос равишда ишлатилган. Мазкур асар дoston сюжетидан ўзининг тарихийлиги билан ажралиб туради. Ундаги ҳар бир персонажнинг тил хусусиятлари, воқеалар тасвири тарихий муҳитни ёрқин намоеън эта олган. Демак, ёзувчининг ушбу асарини жанр жиҳатидан тарихий драма деб ҳисоблаш мумкин.

Шундай қилиб, қорақалпоқ миллий театрида комедия, мусикали драма, тарихий трагедия жанридаги асарлар сахналаштирилган бўлса ҳам, уларнинг барчаси ҳам нашр этилмаган. Нашриётда эълон қилинган қорақалпоқ драмаларида, кўпинча фолклор-этнографик сюжетдаги, тарихий воқеалар, тарихий шахслар, халқ қаҳрамонлари образлари акс эттирилган. Ғоявий жиҳатдан фолклор сюжетдаги, шоирларимиз таваллуд саналарига, муҳим йил номларига бағишланган спектакллар сахналаштирилди. Тарихий воқеаларга асосланган, тарихий шахслар тасвирланган спектакллар чоп этилган бўлса ҳам, уларнинг баъзилари театрда деярли йўқ. Театр ходимлари бу каби асарларга эътибор бериб, сахналаштиришса театр учун ҳам, миллий драматургиямизнинг янада равнақи учун ҳам катта ҳисса қўшган бўлишар эди.

Диссертациянинг иккинчи боби **«Мустақиллик даври драматургиясида тарихий шахслар образларининг ифодаланиши»** деб номланиб, бобнинг биринчи фасли «Мустақиллик даврида Айдос бобо образининг яратилиши (Т.Алланазаровнинг «Айдос бобо», Т.Қайипбергеновнинг «Айдос бобо (Мингта тиллага баҳоланган калла)» трагедиялари мисолида)» деб номланади. Бу фаслда тарихий шахс Айдос бобо образининг насрда ва драмада тасвирланишидаги тафовутлар, тарихий трагедиялар сюжетига асос бўлган Т.Қайипбергеновнинг «Бахтсизлар» романи билан қиёсий ўрганилди. Олдинги даврларда ҳам тарихий мавзуда

драмалар яратилган, лекин уларда хон билан биргаликда сиёсат юритган беклар, ботирлар қораланиб келинган. Т.Қайипбергенов қорақалпоқ адабиётида биринчилардан бўлиб янги тарихий-бадий ёндашувлар асосида Айдос бобо образини ижобий образ, улуг тарихий шахс сифатида яратган ёзувчи саналади. Келтирилган иккита трагедия ҳам қорақалпоқ халқининг 1827 йилги сиёсий турмушини тасвирлашга бағишланган. Иккита трагедия ҳам гоёвий жихатдан ўхшаш. Т.Қайипбергенов яратган трагедияда эпик баёнларга кенг ўрин берилган, кўпгина эпизодларни жонли тасвирлашга ҳаракат қилган. Т.Алланазаров эса кўплаб эпик баёнлардан қочиб, романдаги асосий сюжетни ривожлантириб, конфликтни ўткирлаштирган, унинг ечимини енгиллаштирган. Трагедиянинг диалоглари қисқа, аниқ, тушунарли тарзда берилган. Бундай сермазмун драма асарини яратишда Т.Алланазаровнинг сахна маҳорати, билиминини алоҳида таъкидлаш жоиз. Унинг театрда кўп йиллар режиссер бўлиб ишлаши пьесаларининг ҳаётий, қизиқарли намоёиш этилишига замин яратган. Келтирилган иккита трагедияда ҳам романдаги образлар иштирок этган. Бироқ иккита трагедияни ҳам таққослайдиган бўлсак, воқеалар бир-бирини такрорламаган. Ғоялар жуда ўхшаш, аммо уларни акс эттириш усули турлича. Демак, иккала муаллиф ҳам романнинг асосий гоёсини сақлаб, романдаги воқеаларни, асосий персонажларни, айрим эпизодларни ўзгартириб янги жанрдаги бадий асар яратган. Т.Алланазаров трагедиянинг композициясини мазмунига қараб уч бўлимга ажратиб тасвирлаган. Ҳар бир эпизоднинг мазмуни, унинг фаслига қўйган атамалари ўқувчи қалбига ҳаяжон солган, бу эса унинг етук драматург, ўткир қалам соҳиби эканлигидан дарак беради. Т.Қайипбергенов на роман, на трагедияда бундай усулдан фойдаланмаган. Т.Қайипбергеновнинг трагедиясида ремаркалар қисқа сўзлар ёрдамида сахна учун қулай тарзда берилган, бироқ диалоглари бироз чўзилиб кетган. Бу эса томошабинларнинг, китобхонларнинг кизиқишини, эътиборини сусайтириб қўйиши мумкин.

Драманинг ҳажм ҳолатига назар ташласак, тадқиқ қилаётган драмаларнинг иккитаси ҳам 70 саҳифадан иборат. Бу эса сахнада жуда кўп вақтга чўзилиб кетади. Лекин бизнинг фикримизча, Т.Алланазаров трагедияси сахна талабларига тўлиқ жавоб беради. Биз Т.Қайипбергеновнинг трагедияси сахна учун ярқисиз, деган фикрдан йироқмиз. Ушбу иккита трагедия ҳам ҳозирги замон сахна техникаси ютуқларидан келиб чиқиб такрорий кўриб чиқилса ва театрда намоёиш этилса, ўз баҳосини топади.

Иккинчи бобнинг иккинчи фасли «Ерназар бий образининг драматургияда тасвирланиши (А.Уталиевнинг «Ерназар Олакўз» трагедияси мисолида)» деб номланиб, бу фаслда мазкур трагедиянинг гоёси, жанр, бадийлик хусусияти, образлар тизими ўрганилди. Трагедиянинг композицион қурилиши пролог, эпилоглар билан бирга иккита акт (муаллиф уни «бўлим» деб кўрсатган, биз уни халқаро термин билан «акт» деб номлашни маъқул кўрдик), бир нечта пардалардан иборат. Бадий асарда тарихий муҳит билан қаҳрамонлик пафоси қоришиб (синтезланиб) кетган.

Шундай жанр хусусиятларига асосланиб, асарни тарихий-қаҳрамонлик трагедия деб номлашни лозим топдик.

Трагедияни таҳлил қилар эканмиз, воқеаларнинг конфликт асосида ривожланиши, персонажларнинг характерлари очиб берилишини англаш мумкин. Бу жиҳатдан муаллиф мақсадига етган. Асосий персонаж Ерназар бий бўлиб, у ақлли, ботир, ҳақиқий дўст, халқ гами билан яшайдиган, ҳаттоки озодлик учун ўз жонини ҳам қурбон қиладиган ватанпарвар қаҳрамон образида гавдаланади.

Трагедиядаги эътиборни тортувчи бир образ – бу Эшон образи. XIX асрда эшонларни аҳоли «пиримиз», «эшонимиз», «уламомиз» деб ниҳоятда ҳурмат қилган. Бинобарин, бу трагедияда унинг исми берилмай, умумийлаштирилган шахс ва ўша вақтдаги руҳонийларнинг типик вакили сифатида тасвирланади. Трагедияда берилган Эшон образи фақат ўзининг гамини ўйлайдиган, хоннинг берган сарпосига қул бўлиб, халқни хонга сотишдан ҳам қайтмайдиган, баднафс образ сифатида яратилган.

Шунингдек, трагедиядаги конфликтни юзага келтирувчи образ Жамет. У ҳам тарихда бўлган шахс, унинг ҳақиқий исми Шонгки (тарихий маълумотларда Шонгки деган одамнинг бўлганлиги айtilган), Жамет унинг прототипидир. Жамет китобхонда, томошабинларда кучлироқ газабни, жирканч ҳисларни уйготувчи, низоларга тўла хавfli вазиятларни ўзида мужассам этган иккиюзламачи образ. Унинг характери бошқа образлар билан бўлган диалогларида, ички монологларида очилади. Шундай қилиб, драматургнинг трагедиядаги бош гоёси Ерназар олакўз, Хумор она, Ерназар кенегес, Эшон, Жамет ва бошқа персонажлар орқали очилади.

Драманинг олдинги давр тарихий трагедиялардан фарқи қўшиқ билан ёзилишидир. Бунга муаллифнинг Шекспир, Мольернинг бадий асарларини қорақалпоқ тилига таржимаси билан шугуллангани таъсир этган. Муаллиф бу трагедия ҳақида кўп йиллар давомида материаллар, далиллар тўплаган. Драмани ўқир эканмиз, муаллифнинг сахна талабларидан яхши хабардор эканлигини ҳис қиламиз. Воқеалар ўз-ўзидан ривожланиб, персонажлар гоҳ ҳаракатланиб, гоҳ гапириб, кескин вазиятлар пайдо бўлади. Муаллиф персонажлар, воқеалар ҳақида узундан-узоқ баён қилмасдан уларнинг хатти-ҳаракатлари орқали характерлар очилишига, воқеалар ривожига, эътибор беради. Муаллифнинг бадий маҳорати, ютуғи ҳам мана шунда деб ҳисоблаймиз.

Иккинчи бобнинг учунчи фаслида мусикали драмалар, уларнинг сюжетига асос бўлган дostonдан фарқи, бир-бирига ўхшашликлари, жанр хусусиятлари, гоёвий йўналиши, образларнинг яратилиши мисоллар ёрдамида ёритилади. Иккита драмада ҳам воқеалар бошланмасдан олдин сахнада қил қўбизини тортиб ўтирган Сўппасли Сипра жиров кўринади. Оғзаки ижод асосида яратилган қорақалпоқ драматургларининг бадий асарларида жиров образининг киритилиши мазкур драмада муаллифларнинг янгилиги деб қарашга асос бўлади. Бунда жиров эпизоди дostonнинг сюжетини, қаҳрамонларнинг мақсадини, драмага тўлиқ олиб кириб, адиб баёнининг узоқ чўзилиб кетмаслиги учун фойдаланилган.

К.Рахмановнинг «Едиге» драмаси сахна талабларига мос равишда яратилган. Драмада дostonдаги асосий иштирокчилар қатнашади. Бунда воқеалар ривожини бош қаҳрамонлар Едиге, Тўхтамишхон, Сатемирхон образлари орқали очиқ берилди. Бироқ дostonнинг икки вариантыда ҳам Сатемирхон аёлининг дostonдаги исми берилмаган. К.Рахмановда Айсултон хоним деб, К.Алламбергеновда Сарой Мулк хоним деб ном берилган.

Едиге образини ақлли, жасоратли, ботир, халқпарварлик фазилатларини бир-бирига боғлаган ҳолда тасвирланган. У халқ арзини тингловчи, уларнинг орзуларини рўёбга чиқарувчи, Тўхтамишхоннинг зулмидан озод қилувчи ягона куч ҳисобланади.

Тўхтамишхон баъзан ақлли, мустақил фикрга эга хон, баъзида эса одилона қарор қабул қила олмайди, иккиюзламачи хон сифатида кўзга ташланади.

К.Рахмановнинг драмасида Сатемирхон образини тўлиқ очиқ берилмаган. К.Алламбергеновда эса Амир Темир образини тарихий маълумотларга асосланиб, унинг одил юртбошини эканлигини, Темирнинг адолат туғайли курашларида галаба қозонишини, халқни ноўрин азоблашдан йироқ бўлган гоёларини ёритилган. Жанр хусусиятини бўйича К.Рахмановнинг «Едиге» мусиқали драмаси дoston сюжети асосида қурилган. К.Алламбергеновнинг драмасини тарихий мазмунга эга янги сюжетлар, вазиятлар, янги қаҳрамонлар билан бойитилишини орқали тарихий муҳитни яққол тасвирлайди.

Иккита драма ҳам ҳозирги замон сахна ютуқларини ҳисобга олиб, турли овоз фонларини, гайритабиий садоларни, ҳаёлий шарпаларни ҳозирги техник ускуналар ёрдамида берилишини ҳам ҳисобга олган. Иккита драма ҳам 40-45 бетдан иборат бўлиб, драманинг ҳажми талабларига тўла жавоб беради. Уларда воқеанинг бошланишини ўхшаш бўлмаса ҳам, бадиий асарнинг характер, кульминация, ечим қаби шартлари сақланган. К.Рахмановнинг бу мусиқали драмаси нашр этилмади, аммо 2017 йили сахнада намойиш этилиб, томошабинлар томонидан яхши кутиб олинди. К.Алламбергеновнинг драмаси нашрдан чиққан бўлса ҳам, ҳали сахналаштирилмаган. Агар бу драма сахналаштирилса, ўзининг ҳақиқий қимматини, баҳосини топган бўларди.

Иккинчи бобнинг тўртинчи фаслида қорақалпоқ халқ шоирларининг ҳаётига асосланган Т.Қайипбергенов, Қ.Матмуратов, М.Низановларнинг драмаларини ҳақида сўз юритилади.

Т.Қайипбергеновнинг «Сахро булбули (Бердақнинг хасрати)» драмаси қурилиш жиҳатидан уч акт, бир нечта кўринишлардан, жами 46 бетдан иборат. 20 нафар қаҳрамон қатнашади. Бунда Бердақнинг 20-21 ёшидан 65-70 ёшларигача бўлган ҳаёти тасвирланган. Бу бадиий асарда муаллиф тарихий воқеаларни, тарихий шахсларни келтириш орқали драмани тарихийлаштиришга ҳаракат қилган. Асар тарихий драма талабларига жавоб беради.

Драматург Қ.Матмуратов Бердақ шоир ҳақида йирик ҳажмли пьеса яратиб, уни томошабинлар эътиборига тақдим қилди ва бу асар ўз баҳосини топиб улгурди. Бу драма 2016 йили ёзилган бўлиб, режиссер Б.Утебаев

томонидан сахналаштирилган. Спектакл шу кунгача сахна репертуаридан ўз ўрнини йўқотмай келмоқда. Бу драматик асар хали нашр этилмаган, бироқ, режиссер варианты ёрдамида драманинг таркибий қурилиши, гоёвийлиги, жанр хусусиятлари айтиб ўтилди. Драма хажмига кўра 5 акт, 6 парда, бир нечта кўринишлардан, 17-18 персонаждан иборат. Пьесадаги миллий урф-одатларимиз, бахши-жировларнинг шўх тароналари, шоирлар мушоираси, миллий улоқ ўйинлари каби лавҳалар Кунхожа, Ажиниёз, Бердақ, Утеш шоирларнинг, машҳур Мусо бахшининг замондош бўлганлигини, ўзаро айтишувлар айтиб, мушоира ўтказиш анъаналарининг қадимдан мавжуд эканлигининг гувоҳи бўламиз. Фикримизча, уни тарихий-муסיқали драма деб атаган маъкул. Чунки бу ерда тарихий шахслар (Бердақ, Турим бий, Ерназар бий, Ерназар кенегес ва х.к.), маълум даражада тарихий воқеалар баён этилган.

М.Низановнинг «Бердақ» номли драмаси 8 парда, 8 кўринишдан иборат. Драмада 1855-1856, 1873-1900 йиллардаги воқеалар тасвирланади. Лекин драмада муаллиф шоирни ниҳоятда камбагал этиб тасвирлайди ва шу аснода эски кулбада унга кўшиқ ёздириб қўйгани ишончсиз кўринади. Муаллиф драмада кўпроқ тарихий шахслар (Ерназар Олакўз, Махмудниёз ясовул, Ражаб огабий) ва тарихий далиллардан фойдаланиб, ўша давр муҳитини тасвирлашга ҳаракат қилган. Лекин баъзан ўша далиллардан ноўрин фойдаланганлик ҳолатлари ҳам учрайди. Драма жами 33 бетдан, 33 персонаждан иборат. Вақт жиҳатдан ҳам белгиланган ўлчовларга мос келади. Бизнинг фикримизча, асар жанр жиҳатдан тарихий драмага мос келади.

Шундай қилиб, Бердақ ҳақидаги 3 та драманинг фақат биттаси, яъни Қ.Матмуратовнинг драмаси сахналаштирилган. Т.Қайипбергенов, М.Низановнинг драмаларини такрорий кўриб чиқиб, сахнага мослаштириб, намойиш этилса, томошабинлар томонидан ўзининг холисона баҳосини топар эди.

М.Низановнинг 2 акт, 8 пардадан иборат «Зийуар» тарихий-муסיқали драмаси XIX аср қорақалпоқ классик шоири Ажиниёз Кўсибой ўғлига бағишланган бўлиб, бадий асарда шоирнинг 1840-1864 йиллардаги ҳаёти тасвирланади. Драмада шоир умрининг чигаллашган даври тасвирланган. Муаллиф драманинг композициясида кўпгина драмаларда мавжуд бўлган қаҳрамонлар ҳақида маълумот берувчи афиша усулидан фойдаланмаган. Бироқ сюжетнинг асосий элементлари сақланган. Драма жанр жиҳатидан тарихий-муסיқали драма талабларига жавоб беради. Бунда қаҳрамонларнинг анчаси тарихда бўлган шахслар (Ажиниёз, Қутлимурат инак, Оллоқулихон, Менгеш). Драмада Ажиниёз шоирнинг болалик давридаги қийинчиликлари, оилавий аҳволи, Хива хонлигидаги сиёсий, ижтимоий шароитлар асосида тасвирланмаганлиги ачинарли ҳолдир.

